



THE INSTITUTION OF REPRESENTATION IN CIVIL LAW: THEORY AND PRACTICE

Mirshokhid Rakhimjonov

student

*National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: representation, representation relations, general representation, special representation, contractual representation, legal representation, commercial representation, powers, representative, power of attorney, law, court decision.

Received: 02.03.25

Accepted: 04.03.25

Published: 06.03.25

Abstract: In this article, the authors analyzed the specifics of the implementation of representative legal relations, their content from a theoretical and practical point of view. They also put forward their proposals and recommendations for further improvement of regulatory documents in this area and recognized that the specifics of commercial representation in some areas of entrepreneurial activity are determined by legislation based on the Civil Code.

ФУҚАРОЛИК ХУҚУҚИДА ВАКИЛЛИК ИНСТИТУТИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Миришохид Рахимжонов

Талаба

*Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: вакиллик, вакиллик муносабатлари, умумий вакиллик, маҳсус вакиллик, шартномавий вакиллик, қонуний вакиллик, тижорат вакиллиги, ваколат, вакил, ишончнома, қонун, суд қарори.

Аннотация: Муаллифлар мазкур мақолада вакиллик хуқуқий муносабатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини мазмун моҳиятини назарий ва амалий жihatдан таҳлил этишган. Шунингдек, бу соҳадаги қонун хужжатлари янада такомиллаштириш ва Фуқаролик кодексига асосан, тадбиркорлик фаолиятининг айrim соҳаларидағи тижорат вакиллигининг хусусиятлари қонунчилик билан белгиланишини эътироф этган холда ўзларининг таклиф ва тавсияларини илгари сурешган.

ИНСТИТУТ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВА В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВЕ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Миришахид Рахимжонов

Студент

*Национальный университет Узбекистана
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: представительство, представительские отношения, общее представительство, специальное представительство, договорное представительство, законное представительство, коммерческое представительство, полномочия, представитель, доверенность, закон, решение суда.

Аннотация: В данной статье авторы проанализировали особенности реализации представительских правоотношений, их содержание с теоретической и практической точки зрения. А также они выдвинули свои предложения и рекомендации по дальнейшему совершенствованию нормативно-правовых документов в данной сфере и признали, что особенности коммерческого представительства в некоторых сферах предпринимательской деятельности определяются законодательством, основанным на Гражданском кодексе.

Жаҳонда кучайиб бораётган глабаллашув, ахборот алмашинуви оқимини кўплиги одамларни ҳар куни фуқаролик-хуқуқий муносабатларда яъни, вакиллик муносабатларида иштирокини таборо мухим ахамият касб этаётганлигидан далолат беради.

Вакиллик хуқуқий муносабатлари хукуқ субъектларининг хуқуқларини амалга ошириш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради ва муомилага лаёқатсиз фуқаролар учун хуқуқий муносабатларда иштирок этишнинг реал имконияти хисобланади. Жамиятдаги мавжуд эҳтиёжларга қарамасдан вакиллик институти фуқаролик хуқуқининг энг кам ўрганилган обьектларидан бири хисобланади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича фуқаролик хуқуқида вакиллик институти каби жуда чалкаш бўлган бошқа институтни топиб бўлмаса керак.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ўтган даврда қабул қилинган 400 яқин яхлит қонунлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини хуқуқий тартибга солиш билан бирга, фуқароларнинг хукуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги ҳаётийлиги ва тўғридан тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда бу борада ҳали кўп ишланимиз кераклигини таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида инсоннинг хукуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади эканлиги яъни, шахсларнинг хукуқ ва эркинликлари давлат томонидан кафолатланиши айтилган, яъни қонунчилигимизнинг

энг асосий вазифаларидан бири ҳам айнан шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мухофаза қилиш, уларнинг дахлисизлигини кафолатлаштириш. Фуқаролик қонун ҳужжатлари ҳам шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тенглиги ва ўз ҳуқуқларини амалга оширишда хеч қандай тўсиқларсиз, эркин ҳаракат қилишни таъминлаш билан бир қаторда, барча шахсларнинг ҳолатидан қатъий назар ҳуқуқ лаёқатига эга эканлигини этироф этади, яъни шахслар айрим субъектив ва объектив сабаблар билан ўз ҳуқуқларини ўзи амалга ошира олмасалар бошқа шахслар ёрдамида, яъни ўз вакиллари орқали бу ҳуқуқларини амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли Фармойиши асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси” да фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қилувчи фуқаролик қонунчилигидаги ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларни бартараф этиш вазифалари белгилаб қўйилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш муайян даражада вакиллик институтининг замирида қандай маъно ётганлиги ва уни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини фуқаролик қонун ҳужжатларида такомиллаштириш орқали амалга оширилади.

Бироқ, бугунги кунда амалдаги қонунчилик ва амалиётни таҳлил қиласиган бўлсак, ҳалигача вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вакиллик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқий ҳолати, умуман олганда, вакиллик институтига оид бир қатор муаммоли ҳолатлар, ноаникликлар ва қарама-қарши ҳолатлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Бу биринчи навбатда, вакилликнинг фуқаролик, оила ва маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши, қонунчилиқда вакиллик муносабатларини тартибга солувчи нормаларнинг тўлиқ эмаслиги, айниқса тижорат вакиллигига, вакиллик муносабатларидан келиб чиқадиган жавобгарлик масаласида қонунчилиқда очик қолган ҳолатларнинг мавжудлигига кўринади. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқида вакиллик институтининг ҳуқуқий табиати, унинг турлари, амалга оширилиш шакллари, вакиллик муносабатларидаги тарафларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга нисбатан ягона илмий ёндашув шакллантирилмаган.

Мазкур тадқиқот фуқаролик ҳуқуқида вакилликнинг мазмун-моҳиятини, уни амалга ошириш шакллари ва вакиллик турларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, вакиллик муносабатлари субъектларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Чунки вакиллик ўзига хос муҳим вазифаларни амалга оширади. Айнан вакиллик институтининг мавжудлиги барча шахсларнинг ҳуқуқ

лаёқатига эгалиги ва улар ўз хуқуқларини тўсқинликларсиз амалга ошириши мумкинлигини тамойилининг таъминлашга хизмат қиласди.

Вакиллик муносабатлари амалиётда атрофлича ўрганилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу мақола, биринчи навбатда, ўзининг ривожланиш йўлини танлаган янги Ўзбекистон учун ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, вакиллик институтининг айрим, нотаниш бўлган хусусиятларини ва уни амалга оширишда вужудга келадиган жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни самарали хуқуқий тартибга солишини такомиллаштиришга қаратилган.

Шу сабабли фуқаролик хуқуқида вакиллик ва уни амалга ошириш муаммолари узоқ йиллар давомида кўплаб муаллифларнинг дикқат марказида бўлиб келган ва уларнинг асарлари катта илмий қизиқишни намойиш этади. Бу ўринда С.С.Алексеев, О.С.Иоффе, И.Новицкий, Н.М.Ершова, Ю.К.Толстой, Е.А.Флейшиц ва бошқа классик цивилистларнинг асарларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Мазкур муаллифларнинг асарлари фундаментал тадқиқотлар бўлиб, илмий жамоатчилик томонидан тан олинган ва вакиллик институтини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Шунингдек, фуқаролик хуқида вакиллик ва уни амалга ошириш муаммоларини ўрганиш бўйича кўплаб цивилист олимлар илмий изланишлар олиб борган. Жумладан, А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой, А.А.Спектор, М.Ф.Лукьяненко, Т.Е.Абова, М.М.Богуславский, А.Ю.Кабалкин, А.Г.Лисицына-Светланова, Е.А.Суханов, Л.Ю.Михеева, Р.Т.Мардалиев, И.А.Зенин, С.В.Мельник ва бошқа олимларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистонлик цивилист олимлардан X.Р.Раҳмонкулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, Р.Рузиев, В.Р.Топилдиев, М.Х.Баратов, Н.Ф.Имомов, Н.А.Ашурова, Б.Р.Топилдиевларнинг илмий асарларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шу билан бирга вакиллик институтини оила хуқуки нуқтаи-назаридан ҳам бир қатор олимлар тадқиқ этишган, улардан Ф.М.Отахўжаев, М.Восиқова, Р.Муҳаммедов, Т.Аюбов ва Я.Песин каби олимларнинг бу борараги хизматлари аҳамиятли ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа муаллифларнинг илмий асарлари фуқаролик хуқуқида вакиллик институтини назарий ва амалий жихатдан таҳлил қилишда катта туртки бўлиб, уни тадқиқ қилишга муайян даражада ҳисса қўшди. Аммо Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда мавжуд хуқуқий адабиётлар ва илмий тадқиқот обьектларини ўрганар эканмиз, улар орасида бевосита вакиллик ва уни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини амалий жиҳатларини алоҳида тадқиқ этишга бағишлиланган яхлит монографик тадқиқотлар мавжуд эмаслигини кузатиш мумкин.

Ҳозирги кунда мавжуд ҳуқуқий адабиётлар ва илмий ишларда асосан фуқаролик ҳуқуқидаги вакиллик муносабатларининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилади ва мазкур мавзу доирасидаги баҳс-мунозаралари ва муаммоли масалаларга эътибор қаратилмайди.

Бир сўз билан айтганда бугунги кунда вакиллик институтини амалиётда қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишга эхтиёж сезилмоқда. Маълумки вакиллик институти фуқаролик ҳуқуқининг яхши ўрганилмаган институтларидан бири хисобланади. Вакиллик – вакилни ваколат берувчи шахс билан боғлайдиган ҳуқуқий муносабатдир. Вакилликнинг мақсади вакил томонидан битимни, яъни қонуний юридик ҳаракатни амалга ошириш хисобланади.

Вакиллик инсоният ривожланиши тарихининг барча даврларида муайян шаклда ривожланиб келган, айниқса қадимги Миср, Чин, Юнон ва Рим давлатларида савдо ва ҳунармандчилик фаолиятида ундан кенг фойдаланилган. Қадимги Римда топшириқ шартномаси бир тараф (мандант) топшириқ бериши ва иккинчи томон (мандатарий) топширикни бажаришни ўз зиммасига олишдан иборат бўлган. Топшириқ предмети сифатида юридик ҳаракатлар ҳам, фактик тусдаги хизматлар ҳам эътироф этилган. Вакиллик кейинчалик XVIII-XIX асрларга келиб анча такомилаштирилди ва ўтган даврлардаги айрим ўзгаришлар билан ҳуқуқий жиҳатдан ҳозирги кундаги шаклга келтирилди. Вакиллик сўзининг ўзи (инглиз. representation) - бир шахс ўзида мавжуд бўлган ваколат асосида бошқа шахс номидан, унинг учун бевосита ҳуқукларни вужудга келтириш (ўзgartириш, тугатиш) йўли билан ҳаракат қиласидиган муносабатдир.

XIX-XX асрларда ҳуқуқий муносабатларни мураккаблашуви натижасида вакиллик институти жуда яхши ривожланган.

Вакилликнинг моҳияти шундан иборатки, унга асосланиб тузилган битимлар фақат ваколат берувчи учунгина муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзgartиради ва бекор қиласи. Вакилнинг шахсан ўзи эса, битимлар юзасидан ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар олмайди. Кишининг шахси билан боғлиқ бўлган, шунингдек, қонунларда назарда тутилган битимларни вакил орқали тузишга йўл қўйилмайди. Масалан, никоҳ шартномаси, алиментларни ундириш ёки тўлаш билан боғлиқ мажбуриятлар.

Ҳуқуқ нормаларининг энг асосий вазифаларидан бири жамиятдаги шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, уларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бундай вазифани амалга оширишда фуқаролик ҳуқуқининг, айниқса, ундаги вакиллик институтининг ўрни аҳамиятлидир. Чунки, вакиллик институти куйидаги мухим вазифаларни амалга оширади:

-субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди;

-шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга ёрдамлашади;

- шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олади;

-субъектлар ўртасидаги ҳуқукий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашга, яъни вакиллик жамиятда ёрдамга муҳтоҷ бўлган қатламнинг манфаатларини муҳофаза этишга хизмат қиласди.

Бундай ёрдамга муҳтоҷ бўлган қатлам сифатида вояга етмаганлар, руҳий касаллиги ёки соғлиги ёмонлиги туфайли васий ва ҳомийга муҳтоҷ шахслар ёки объектив сабабларга кўра ўз ҳуқуқларини ўzlари амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган шахсларни келтириш мумкин.

Вакиллик орқали ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириш, яъни ҳуқуқлар олиш ва мажбуриятларни бажариш мумкин бўлмаганлиги сабабли вакилларнинг хизматига фуқаролар ҳам, юридик шахслар ҳам муҳтоҷ бўладилар. Жумладан, фуқаро ўзига қарашли уй-жойни вакил орқали бошқариш ёки сотиши, ташкилотлар эса вакиллар орқали бир-бирлари билан турли шартномалар тузишлари мумкин.

Муомалага лаёқатли фуқароларгина вакил бўлишлари, вакиллик қилишлари мумкин. Истисно сифатида айрим ҳолларда ўн олти ёшга тўлиб, паспорт олган фуқаро ҳам вакил бўлиши мумкин. Фуқароларнинг фақат бир-бирлари учунгина эмас, баъзи ҳолларда ташкилотлар учун ҳам вакил бўлишларига қонун йўл қўяди. Масалан, савдо ва таъминот бўлимларининг агентлари, маҳсулот тайёрловчи вакил ва бошқа ходимлар ташкилотларнинг вакиллари сифатида иш бажарадилар.

Юридик шахс фақат ўз уставида назарда тутилган ҳолларда ёки ўз фаолиятининг ҳарактерига мувофиқ бўлгандагина фуқароларнинг вакил ёки бошқа юридик шахс вакили сифатида ҳаракат қилиши мумкин.

Ташкилотларнинг мулкий ҳуқуқларини, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини қўриқлаш мақсадида қонун кимларнинг вакил сифатида ҳаракат қила олмаслигини белгилайди. Жумладан, ташкилотнинг бош бухгалтерига ўзи ишлаб турган ташкилот учун банкдан ва молия органларидан нақд пул, шунингдек, бошқа товар, моддий бойликлар олишга йўл қўйилмайди. Савдо корхоналари ва бошқа ташкилотлар ўzlаридан олинган ваколатномалар юзасидан ҳисобот бермаган мансабдор шахсларни товар бошқа ашёларни олиш учун вакил қила олмайди.

Судда вояга етмаган шахслар, васийлик ва ҳомийлик остидаги шахслар фуқароларнинг вакиллари сифатида қатнаша олмайдилар. Судьялар, терговчилар, прокурорлар қонуний вакил сифатида (ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар,

ҳомийлар) шунингдек, тегишли суд ёки прокуратуранинг вакили сифатида қатнашиш ҳолларидан ташқари, судда вакил бўла олмайдилар (ФПКнинг 51-моддаси). Ваколат берувчи ҳар қандай шахс муомалага лаёқатли ва муомалага лаёқатсиз фуқаролар ҳам, шунингдек, юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 129-моддасининг мазмунидан келиб чиқиб вакиллик қуидаги асослар, яъни:

- 1) Ишончномага;
- 2) Конунга;
- 3) Суд қарорига;

4) Давлат органининг хужжатига кўра вужудга келади, яъни, вакиллик биринчидан юридик факт асосида, иккинчидан юридик фактнинг содир бўлишига олиб келган сабаб натижасида, яъни, муайян объектив зарурият асосида вужудга келиши мумкин. Бу ҳолатлар бир бирига узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдирган ҳолда вакилликнинг вужудга келиш асосини ташкил киласди

Вакиллик ва унинг ваколати норматив акт билан белгиланган ҳолда бундай вакиллик муомалага лаёқатсиз шахслар: ёш болалар, руҳий касаллар, ақли заифларнинг хуқуқ ва манфаатлари қўриқланишини таъминлашга қаратилади. Суд органларида вакиллик қилиш тўғрисидаги қоидалар тегишли қонунлар билан белгиланади.

Ота-оналар, фарзандликка олувчилар ва васийлар ФКнинг 131-моддасида белгиланганидек, конуний вакиллар ҳисобланадилар.

Шартномали, яъни, ихтиёрий вакилликда вакил ва унинг ваколати вакил қилувчининг эрки билан белгиланади. Бундай вакилликда вакил ва унинг ваколати вакил қилувчи томонидан кўрсатилади.

Шартнома бўйича вакилликда меҳнат шартномасига биноан ташкилот номидан берилган ваколатномага асосан ҳаракат қилувчи хизматчи, масалан, ташкилотларнинг юрист маслаҳатчилари, таъминот вакиллари ва бошқалар вакил бўлиб ҳисобланадилар.

Топшириқ шартномасига биноан берилган ваколатномага асосан ҳаракат қилувчи шахслар ҳам шартнома бўйича вакил бўла олади. Корхона раҳбари корхона номидан бошқа субъектлар билан муносабатларга киришганда маҳсус ёзма ваколатномасиз иш юритишга ҳақли.

Фуқаролик хуқуқида вакилликни турларга бўлиш ҳар хил мезонлар асосида амалга оширилади:

- вакилликнинг вужудга келиш асосларига кўра;
- вакиллик субъектларининг хуқуқий мақомига кўра;
- вакиллик тарафларининг хоҳиши иродасига қараб;

- ваколатлар доирасига кўра.

Вакиллик қуйидаги турларга бўлинади:

Умумий вакиллик - бош ишончномага асосланади. Умумий ваколатлар асосида иш олиб борувчи вакил ваколат берувчи номидан муайян муносабатларда қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари, барча юридик хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлади.

Махсус вакиллик - вакил ишончнома ёки шартномада кўрсатилган хатти-ҳаракатларнигина амалга ошира олади, яъни вакилнинг ваколатлари бирмунча чекланган бўлади.

Жамоат вакиллиги - жамоат бирлашмаларининг ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вакиллиги.

Маъмурий актга асосланган вакиллик - вакилликнинг ушбу турига мувофиқ, маъмурий тартибда тайинланган вакил ваколат берувчининг номидан ҳаракат қилиш мажбуриятини олади.

Шартномавий вакиллик - вакилликнинг вужудга келиши тарафларнинг ўз эрки, хоҳишистаги асосида ўзаро келишувга мувофиқ белгиланади.

Қонуний вакиллик - ваколат берувчининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда норматив хужжатлар асосида вакилга берилган ваколатлардан келиб чиқадиган вакиллик ҳисобланади.

Шу билан бирга кома ёки летаргик уйқу (узоқ вакт бехуш ҳолатда ётиш) ҳолатидаги шахснинг - муомала лаёқатини тўхтатиб туриш туфайли вақтинчалик вакил тайинланиши лозим, бу ҳам қонуний вакилликнинг бир шакли сифатида эътироф этилади.

Тижорат вакиллиги вакилликнинг махсус тури сифатида эътироф этилади. Тижорат вакиллигининг тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги афзалликларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1.Муайян ҳудудда тижорат вакиллиги асосида фаолият олиб бориш тадбиркорлик субъектлари учун филиал очишдан кўра, осон ва кам ҳаражатли ҳисобланади;

2.Тижорат вакили билан шартнома тузища у томонидан тузиладиган шартномалар сонидан қатъий назар маълум бир қатъий суммада пул тўланишини назарда тутадиган шартнома ҳам тузиш мумкин;

3.Тижорат вакили ваколат берувчи билан меҳнат муносабатлари асосида боғлиқ бўлмайди;

4.Тижорат вакили бир вақтнинг ўзида шартномадаги турли тарафларнинг манфаатларини ифодалashi мумкин.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг ФҚда вакилликнинг вужудга келиш асослари факат умумий тарзда кўрсатилган, яъни тўлиқ ва аниқ тарзда шакллантирилмаган,

бунга мисол сифатида, Ўзбекистон Республикасининг ФКда вакилликнинг вужудга келиш асосларидан фақат ишончнома кенгроқ ёритилган бўлиб, бошқа асослар бўйича вакилликнинг вужудга келиши ҳолатлари қонунчиликка ҳавола қилинган. Қонунчиликда эса бу асослар тарқоқ ҳолда эканлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида, муайян қийинчиликларга олиб келмоқда. Масалан, ФКнинг 133-моддасида тижорат вакиллиги ишончнома ва шартнома асосида вужудга келиши мумкинлиги кўрсатилган. Лекин қонунчилик айнан қайси шартнома асосида тижорат вакиллигининг вужудга келишини кўрсатмаган.

Бизнинг фикримизча, қонунчиликда вакилликнинг вужудга келиш асосларига кенгроқ тушунтириш бериш, бу соҳадаги қонун хужжатлари янада такомиллаштириш ва Фуқаролик кодексига асосан, тадбиркорлик фаолиятининг айрим соҳаларидаги тижорат вакиллигининг хусусиятлари қонунчилик билан белгиланишини эътироф этган холда:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат вакиллик тўғрисида”ти алоҳида қонун қабул килиш ва бу қонунда тижорат вакиллигининг ўзига хос томонлари, унинг вужудга келиши ва бекор бўлиш асослари, тарафларнинг ҳукуқий мақоми, ҳукуқ ва мажбуриятлари, тижорат вакиллигининг турлари, уларнинг бир биридан фарқли томонлари акс эттирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди;

иккинчидан, фуқаролик ҳукуқий муносабат сифатида вакиллик муносабати бир шахс бошқа шахс номидан унинг манфаатларини кўзлаб, ўзининг мақсадли харакатлари билан ишонч билдирувчининг ҳукуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилишини амалга оширади ёхуд унинг унинг ҳукукларининг моддий ёки ҳукуқий доирасини ўзгартиради;

учинчидан, вакиллик ташкилий-ҳукуқий характерга эга бўлиб, вакил билан ҳукуқий муносабатларнинг бошқа субъекти ўртасидаги ҳукуқий муносабатларда воситачи бўлиб, вакиллик ҳукуқининг моддий ёки ҳукуқий доирасининг пайдо бўлишини, ўзгаришини ёки тугатилишини ташкил қиласи, яъни бир сўз билан айтганда вакиллик муносабатлари номулкий ташкилий-ҳукуқий муносабатлар таркибига киради.

Юқоридаги ҳолатлар фуқаролик қонунчилигидаги мавжуд муаммоларни ҳар жихатдан ва атрофлича илмий тадқиқ этиш зарурати мавжудлигини англатади. Вакиллик муносабатларига оид муаммоларни ҳар томонлама назарий ва амалий жихатдан ўрганиш улар ҳақида илмий асосланган назарий хulosалар ишлаб чиқиш, уларнинг моҳиятиниenglаб этиш хамда уларни ҳукуқий тартибга солиш механизмини ишлаб чиқишга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёев Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт таракқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т., “Ўзбекистон” НМИУ. 2017. 8-бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши. (Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 й., 08/19/5464/2891-сон).

3. Алексеев С.С. Общая теория права. Т.2. –М.: 1982; Иоффе О.С. Гражданское право. Курс лекций. –Л.: ЛГУ. 1958; Римское право. Под ред. Новицкий И. БИзд. 6-е, стереотипное. –М., 1997.; Ершова Н.М. Охрана прав несовершеннолетних по советскому гражданскому и семейному праву. –М.: Юр.лит. 1965; Толстой Ю.К. К теории правоотношения. Л., Изд. ЛГУ, 1959, Флейшиц Е.А. Соотношение правоспособности и субъективных прав // В кн.: Вопросы общей теории права. - М.: 1960.11

4. Гражданское право. Т.1. Учебник / Под. ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. – М.: 2005. –С. 322- 23; М.Ф.Лукьяненко. Гражданское право Российской Федерации. Общая часть: Учебное пособие. 2-с изд; перераб. и доп. Тюмень: издательство Тюменского государственного университета. 2004.- с 182.; Постатейный комментарий к гражданскому кодексу Российской Федерации. частям первой, второй, третьей./ под ред. Т.Е. Абовой., М.М. Богуславского., А.Ю. Кабалкина., А.Г. Лисицына-Светланова; ин-т государства и права РАН.-М.: Юрайт-издат, 2008- с 203.; Гражданское право в 4-х томах. Том I общая часть учебник 3-е издание, переработанное и дополненное. Отв. Ред.- Е.А. Суханов. Москва Волтерс Клувер. 2008- с 542; Михеева Л.Ю. Доверительное управление в деятельности органов опеки и попечительства. Учебно-практическое пособие. -Барнаул, 1998. -С.133-134; Р.Т. Мардалиев. Гражданское право краткий курс – Питер, 2006, с 46.; Зенин И.А. Гражданское и торговое право зарубежных стран: учебное пособие. - М., 2009. - С.119-121; Мельник С.В. Профессиональное коммерческое (торговое) представительство: Автореферат докторской ... кандидата юридических наук. - Санкт-Петербург, 2004. - С. 11.

5. Раҳмонқулов X. Фуқаролик хуқуқининг субъектлари. Т.: -Ўзбекистон 2008- б 40.; Зокиров. И.Б. Фуқаролик хуқуқи. I қисм. Тошкент.: 2006. -б 176.; X.R. Раҳмонқулов., О.О. Оқюлов. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарҳ I-жилд.- Ташкент: Vektor-press, 2010.-б 345.; Р..Рузиев., В.Р. Топилдиев. Фуқаролик хуқуқи. Умумий қисм. Тошкент. :2011 -б 213.; Баратов. М.Х. Мулк хуқуқи. Т.: 2009. -б 58.; Имомов.Н. Фуқаролик хуқуқида муддатлар ва даъво муддати.- Тошкент, 2005.-б 9.; Ашуррова.Н. Вояга етмаганларнинг фуқаролик-хуқуқий муносабатлардаги иштироки. Дисс. Ю.ф.н. -Ташкент, 2008.; Топилдиев Б.Р. Мол-мулкни ишончли бошқаришни фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш. Автореф. Дисс...ю.ф.н. –Тошкент, 2008. -19 б.

6. Отакўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг оила хуқуқи. –Тошкент, ТДЮИ, 2005. Восиқова М ва бошқалар. Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексига шарҳлар. – Тошкент, Ўзбекистон, 1975; Аюбов Т. Никоҳ, қонун ва ахлоқ. –Тошкент, Фан, 1979;

Муҳамедов Р. Оилада эр-хотиннинг ҳуқуқий муносабатлари. – Тошкент, Ўзбекистон, 1975;
Песин Я. Развитие семейно-правовых гарантий прав женщин в Узбекистан.

7. Топилдиев В.Р. ва бошқалар Рим ҳуқуки. Ўкув қўлланма. –Т., «Yridik adabiyotlar publish» 2022. 204 б.
8. Римское право. Под ред. Новицкий И.Б Изд. 6-е.- М., 1997.-245с.
9. Раҳманкулов X. Гражданское право. Учебник –Т.,2010. ТДЮИ. –С. 438.
10. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуки. Дарслик. –Т.,ТДЮИ.2009. –Б. 173.
11. Топилдиев В.Р. Фуқаролик ҳуқуки. Дарслик. –Т., «Yridik adabiyotlar publish» 2022. 592 б.
- 12.V.R.Topildiyev., Fuqarolik huquqi. Ўкув қўлланма -Т.:Cho‘Ipon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011. - 624 б.
13. Топилдиев В.Р., Рим ҳуқуки. Дарслик;.. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. -260 б.
14. Топилдиев В.Р. Замонавий технологияларни фуқаролик-ҳуқуқий фанларнинг ривожланиши ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга таъсири // “Fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendensiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. –Т., 2022. 47-62 бетлар.